XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

2023 - yil 4 - yanvar VI-75-1-14-0-K/23 Toshkent shahar hokimligi

2023 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси ҳамда “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 01/20-32/1015-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2023 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонунига мувофиқ, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 7 739 304,4 млн. сўм, харажатлари 7 739 304,4 млн. сўмга баланслашган ҳолда прогноз қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага мувофиқ, 2023 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ҳудудий

бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети билан туманлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2023 йил учун туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳажмлари 60 674,3 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Туманлар бюджетларининг 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

8. 2023 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар ва туманлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

9. 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

давлат мулкини ижарага беришдан тушадиган тушумлар.

б) Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети даромадлари Тошкент шаҳар

маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши белгиланган тушумлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

мобиль алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туманлар аҳолисининг Тошкент шаҳар аҳолисидаги улушига мувофиқ;

хусусийлаштиришдан тушган тушумлар, бошқа тушумлар ва бошқа солиқлар.

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик

даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Тошкент шаҳрида 8 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Тошкент шаҳрида 8 фоизи ўтказилади.

Агар қонунчиликда даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

маҳаллий бюджетларга ўтказилиши назарда тутилган даромад турлари тегишинча Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

в) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

айланмадан олинадиган солиқ;

бензинни, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409-сонли қарорига асосан 2023 молия йилидан бошлаб:

а) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилиши;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар)лар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм маблағ режалаштирилиши белгиланганлиги;

г) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Давлат солиқ бошқармаси (Ю.Насимджанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Ғ.Исмоилходжаев), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев), туманлар ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча захираларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

12. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Ю.Насимджанов)

туманлар Давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш;

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш;

Кадастр агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев) билан биргаликда Тошкент шаҳрида мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

13. Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси (О.Бозоров) Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Ю.Насимджанов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирларни кўриб боришини таъминласин.

14. Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (А.Раззоқов) бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан

биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра шаҳарда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auksion» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштирсин.

15. Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (А.Раззоқов), Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Ю.Насимджанов), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

16. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (Ж.Туробов) туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

17. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (А.Ташпулатов), Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Р.Жалилов), Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси (О.Бозоров), Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси (Р.Хамидов) ҳисобланган бож, жарима ва

йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

18. Давлат молиявий назорати Тошкент шаҳар бошқармаси (Ш.Яриев) халқ таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш бош бошқармаларининг ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтириш;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилишини таъминласин.

19. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этиладиган таклифларни белгиланган муддатларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлигини ва бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилганлигини назорат қилиш;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш, тавсиялар бериш ва мониторинг қилиш;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

20. Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

туманлар бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтиришни;

бунда, ёшлар ишлар агентлиги, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчиларига

бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришини тавсия этиш;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш топширилсин.

21. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев), Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Ю.Насимджанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Ғ.Исмаилходжаев), туманлар ҳокимликлари ва тегишли бошқармалар билан биргаликда:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

22. Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати:

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

23. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

24. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Тахиров ва Тошкекнт шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклансин.

Kengash raisi **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-75-1-14-0-K/23-son qaroriga
1-ilova

2023 йил учун Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози

№	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	176 212,1
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	106,3
3.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	106,2
4.	Қурилиш ишларининг ўсиш суръати, фоизда	106,2
5.	Бозор хизматларининг ўсиш суръати, фоизда	116,5

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-75-1-14-0-K/23-son qaroriga
2-ilova

2023 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджети даромадлари прогнози

Минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Сумма
ЖАМИ		**6 414 010 365.0**
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	585 048 019
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	751 998 080
3.	Бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	321 083 000
4.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	932 863 000
5.	Юридик шахслар ер солиғи	714 780 000
6.	Айланмадан олинадиган солиқ	788 871 000
7.	Давлат божи	657 141 000
8.	Жарималар	474 544 000
9.	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан дивидент	166 180 000
10.	Йиғимлар	428 399 000
11.	Хусусийлаштириш	100 000 000
12.	Норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	20 630 000
13.	Алоқа хизматлари кўрсатиш учун акциз солиғидан маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маблағлар	81 987 795
14.	Алкоголь маҳсулотлари шу жумладан пиво учун акциз солиғидан маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маблағлар	191 139 648
15.	Тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғидан маҳаллий бюджетга ўтказиладиган маблағлар	199 345 823

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-75-1-14-0-K/23-son qaroriga
3-ilova

2023 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	Сумма
ЖАМИ		**6 414 010 365**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 487 190 862
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	395 643 430
	Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш	130 176 000
	Иссиқлик энергияси ва иссиқ сув харажатларини индексациялаш	98 641 127
	«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасидаги маблағларни жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали ишлатиладиган қисми	285 858 946
	Ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш харажатлари	16 500 000
1	**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**	2 750 620 649
	жорий харажатлар	2 444 175 903
	шу жумладан:	
	Тошкент шаҳар ҳокимлигини сақлаш харажатлари	12 953 501
	Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари	5 409 720
	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси	2 104 253
	Нодавлат нотижорат ташкилотлари	3 441 834
	Тошкент шаҳар бюджетининг захира жамғармаси	60 674 343
	Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	449 532
	Пойтахт қурилиш ва хизмат ДУКнинг "ЎзМиллийбанк" АЖ дан жалб қилинган кредитларини қайтариш	54 179 592

	"Тошшаҳартранс" АЖнинг "ЎзМиллийбанк" АЖдан жалб қилинган кредитини қайтариш	283 901 749
	"Тошшаҳарнур" ДУКнинг Ислом тараққиёт банкидан жалб қилган кредитларини қайтариш	39 352 367
	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий мослашиш маркази	108 947
	Тошкент метрополитенида кундузи соат 10:00 дан 16:00 гача бўлган кундузги даврда пенсионерларни бепул ташишда ва бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш ҳамда Чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташиш ҳисобидан юзага келадиган зарарлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ-5260-сонли харажатлари билан бирга)	141 795 105
	Чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ва юк (багаж)ни ташиш бўйича хизматлар кўрсатилиши муносабати билан шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташувчилари кўрадиган зарарларни қоплаш, шунингдек, шаҳар жамоат транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларни ташиш натижасида олинмай қоладиган даромадларни қоплаш	235 558 960
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	20 585 800
	«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасидаги маблағларни жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали ишлатиладиган қисми	309 053 471
	Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	1 604 246 000
2	**Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси**	69 932 947
	жорий харажатлар	69 932 947
	шу жумладан:	

	Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасини сақлаш харажатлари	4 516 147
	Давлат мукофотларини тўлаш харажатлари	8 416 800
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	35 000 000
	Адвокатлик хизматлари харажатлари	22 000 000
3	**Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси**	5 473 838
	жорий харажатлар	5 473 838
4	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	1 905 560
	жорий харажатлар	1 905 560
5	**Ободонлаштириш бош бошқармаси**	474 720 429
	жорий харажатлар	458 220 429
	Ички хўжалик автомобиль йўлларни таъмирлаш харажатлари	16 500 000
6	**Халқ таълими бош бошқармаси**	307 372 039
	жорий харажатлар	199 956 039
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	107 416 000
7	**Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси**	1 854 229 235
	жорий харажатлар	1 738 624 202
	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	115 605 033
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	138 546 000
8	**Маданият бош бошқармаси**	73 057 226
	жорий харажатлар	73 057 226
9	**Мактабгача таълим бош бошқармаси**	44 804 134
	жорий харажатлар	7 357 220
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	37 446 914
10	**Қурилиш бош бошқармаси**	2 203 802
	жорий харажатлар	2 203 802
11	**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси**	3 964 256

	жорий харажатлар	3 964 256
12	**Тошкент шаҳар Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси**	3 802 843
	жорий харажатлар	3 802 843
13	**Давлат архиви бошқармаси**	2 312 809
	жорий харажатлар	2 312 809
14	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	19 616 827
	жорий харажатлар	19 616 827
15	**Ғазначилик бошқармаси**	10 424 664
	жорий харажатлар	10 424 664
16	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	135 130 064
	жорий харажатлар	3 854 064
	Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	1 100 000
	Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш	130 176 000
17	**Транспорт бошқармаси**	4 455 909
	жорий харажатлар	4 455 909
18	**Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси**	1 043 795
	жорий харажатлар	1 043 795
19	**Тошкент шаҳар юристлар маркази харажати**	3 473 126
	жорий харажатлар	3 473 126
20	**Туризмни ривожлантириш бошқармаси**	2 469 964
	жорий харажатлар	2 469 964
21	**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	2 539 606
	жорий харажатлар	2 539 606
22	**Монополияга қарши курашиш бошқармаси**	2 488 470
	жорий харажатлар	2 488 470
23	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасини сақлаш харажатлари**	93 130 755
	жорий харажатлар	1 482 039
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	91 648 716
24	**Тошкент шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	12 134 049

	жорий харажатлар	12 134 049
25	**Спортни ривожлантириш бошқармаси**	48 345 637
	жорий харажатлар	48 345 637
26	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	5 587 160
	жорий харажатлар	5 587 160
27	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	36 849 190
	жорий харажатлар	36 849 190
28	**Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси**	2 884 212
	жорий харажатлар	2 884 212
29	**Тошкент шаҳар сайлов комиссияси**	67 731
	жорий харажатлар	67 731
30	**Ўсимликлар карантини инспекцияси**	6 913 832
	жорий харажатлар	6 913 832
31	**Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармаси (ФҲДЁ)**	3 910 017
	жорий харажатлар	3 910 017
32	**Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинмаси**	2 895 672
	жорий харажатлар	2 895 672
33	**Кинематография агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси**	218 947
	жорий харажатлар	218 947
34	**Республика маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар бўлими**	2 567 405
	жорий харажатлар	2 567 405
35	**Қутқарув хизмати бошқармаси**	2 828 263
	жорий харажатлар	2 828 263
36	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	928 669
	жорий харажатлар	928 669
37	**Мудофаа бошқармаси ва бўлимлари**	14 815 407
	жорий харажатлар	14 815 407
38	**Ички ишлар бошқармаси харажатлари**	42 091 500
	жорий харажатлар	42 091 500
39	**Бошқа харажатлар**	224 353 727
	жорий харажатлар	125 712 600
	Иссиқлик энергияси ва иссиқ сув харажатларини индексациялаш	98 641 127

Xalq deputatlari Toshkent shahar Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-75-1-14-0-K/23-son qaroriga
4-ilova

2023 йил учун туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Туманлар номи	Айланмадан солиқ	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахсларнинг ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
1	Шайхонтоҳур тумани	21	59	9	10	100
2	Учтепа тумани	21	96	9	7	100
3	Чилонзор тумани	21	26	9	11	100
4	Миробод тумани	21	54	10	10	100
5	Мирзо Улуғбек тумани	21	92	17	10	100
6	Яккасарой тумани	21	9	7	10	100
7	Олмазор тумани	21	100	18	20	100

8	Яшнобод тумани	21	15	16	17	100
9	Сергели тумани	21	27	9	11	100
10	Бектемир тумани	21	5	8	12	100
11	Юнусобод тумани	21	64	12	10	100
12	Янгиҳаёт тумани	21	95	22	15	100

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-75-1-14-0-K/23-son qaroriga
5-ilova

2023 йил учун туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози

минг сўм

Т/р	Туманлар ва шаҳарлар номи	Даромадлар	Харажатлар
	ЖАМИ	**7 739 304 365**	**7 739 304 365**
1	Тошкент шаҳри	6 414 010 365	6 414 010 365
2	Шайхонтоҳур тумани	118 017 000	118 017 000
3	Учтепа тумани	124 639 000	124 639 000
4	Чилонзор тумани	127 654 000	127 654 000
5	Миробод тумани	93 697 000	93 697 000
6	Мирзо Улуғбек тумани	137 095 000	137 095 000
7	Яккасарой тумани	73 992 000	73 992 000
8	Олмазор тумани	133 872 000	133 872 000
9	Яшнобод тумани	136 638 000	136 638 000
10	Сергели тумани	108 642 000	108 642 000
11	Бектемир тумани	60 311 000	60 311 000
12	Юнусобод тумани	139 497 000	139 497 000
13	Янгиҳаёт тумани	71 240 000	71 240 000

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-75-1-14-0-K/23-son qaroriga
6-ilova

2023 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар ва туманлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

минг сўмда

Т/р	Туманлар ва шаҳарлар номи	Миқдор
	ЖАМИ	**34 324 000**
	Шундан	
1	Тошкент шаҳри	24 558 422
2	Шайхонтоҳур тумани	902 044
3	Учтепа тумани	904 472
4	Чилонзор тумани	972 216
5	Миробод тумани	724 723
6	Мирзо Улуғбек тумани	1 053 510
7	Яккасарой тумани	645 450
8	Олмазор тумани	1 169 046
9	Яшнобод тумани	979 686
10	Сергели тумани	775 030
11	Бектемир тумани	284 086
12	Юнусобод тумани	1 166 499
13	Янгиҳаёт тумани	188 816